

1.	НАИМЕНОВАНИЕ ЭМИТЕНТА			
	Полное	Акционерный коммерческий ипотечный банк «Ипотека-банк».		
	Сокращенное	АКИБ «Ипотека-банк».		
	Наименование биржевого тикера:	A054570		
2.	КОНТАКТНЫЕ ДАННЫЕ			
	Местонахождение:	Республика Узбекистан, 100000, г. Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, улица		
	Почтовый адрес:	Шахрисабз, 30.		
	Адрес электронной почты:*	cenbum@ipotekabank.uz		
	Официальный веб-сайт:*	www.ipotekabank.uz		
ИНФОРМАЦИЯ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ				
	Номер существенного факта:	08		
	Наименование существенного факта:	Изменение в составе исполнительного органа		
	в случае прекращения полномочия должностного лица			
3.	№	Ф.И.О. или полное наименование доверительного управляющего	Должность	Количество и тип принадлежащих акций
	1	Закиров Суръат Уткурович	Первый заместитель Председателя Правления	-
	в случае избрания (назначения) должностного лица			
	№	Ф.И.О. или полное наименование доверительного управляющего	Должность	Количество и тип принадлежащих акций
		Зулфукаров Джура Исмаилович	Заместитель Председателя Правления	-
	Орган эмитента, принявший решения об указанных изменениях:		Наблюдательный совет банка	
	Дата принятия решения:		24/08/2018 года	
	Дата составления протокола:		24/08/2018 года	
	Выписка из протокола органа управления и паспортные данные избранного (назначенного) лица, с указанием его места жительства		Выписка протокола органа управления прилагается.	
	Состав исполнительного органа после изменения			
	№	Ф.И.О. или полное наименование доверительного управляющего	Должность	Количество и тип принадлежащих акций
	1	Мусаев Омонджан Мухаматминович	Председатель Правления	-
	2	Зулфукаров Джура Исмаилович	Заместитель Председателя Правления	-
	3	Абдурахманов Махмуд Ахматхужаевич	Заместитель Председателя Правления	-
	4	Фаязов Жахонгир Махамаджанович	Заместитель Председателя Правления	24156
	5	Норметов Элёр Зафарович	Главный бухгалтер, член Правления	-
	6	Муродов Хумоюн Гайратович	начальник юридического управления, член Правления	-

Заместитель
Председателя Правления:

Главный бухгалтер:

Разместил информацию на веб-сайте:

Фаязов Ж.М.

Норметов Э.З.

Абдулладжанов Ф.А.



*) Указывается при наличии. **) Прикрепляется в формате PDF.

Моментом наступления существенного факта считается дата составления протокола соответствующего органа управления эмитента.

"Ипотека-банк" АТИБ
Кузатув кенгаши мажлисининг
50 – сонли баёни

2018 йил 24 август

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Б.А.Хўжаев – "Ипотека-банк" АТИБ Кузатув кенгаши
Раиси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири

Қатнашдилар:

**Кузатув кенгаши
аъзолари:**

Д.Н. Саттаров, Ў.Д. Каримов, М. Ишмухамедов,
И.А. Обидов, Ж.К. Раҳимов, З.А. Ибраҳимжанова,
И.М. Абдуллаева, Дж.К. Ибрагимов

О. Мусаев – "Ипотека-банк" АТИБ Бошқаруви Раиси

Мажлис котиби:

Б.И. Ушбаев

Мажлис кворуми - 100 %.

Кун тартиби:

**"Ипотека-банк" АТИБ Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари
С.У.Закировни банк Бошқаруви таркибидан чиқариш тўғрисида**

Кузатув кенгаши мажлисида "Ипотека-банк" АТИБ Бошқаруви Раисининг биринчи ўринбосари С.У.Закиров Ўзбекистон Республикаси Президентининг ижро этувчи аппаратида тасдиқланиши муносабати билан, ишдан бўшаши тўғрисида ариза билан банк Бошқарувида мурожаат этганлиги, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги Фармойиши ҳамда Ипотека-банкнинг 2018 йил 4 июлдаги 66 - шт - сонли буйруғига мувофиқ "Ипотека-банк" АТИБ Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари С.У.Закиров билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги маълум қилинди.

Ипотека-банкнинг 2018 йил 4 июлдаги 66 - шт - сонли буйруғига мувофиқ Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари С.У.Закиров билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги муносабати билан уни банк Бошқаруви таркибидан чиқариш лозимлиги айтиб ўтилди.

Юқорида баён этилганларни инобатга олиб, ушбу масала бўйича Кузатув кенгаши аъзолари қуйидагича қарор қабул қилишни таклиф қилдилар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги Фармойиши ҳамда Ипотека-банкнинг 2018 йил 4 июлдаги 66 - шт - сонли буйруғига мувофиқ Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари С.У.Закиров билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги муносабати билан уни банк Бошқаруви таркибидан чиқариш.

Таклиф овозга қўйилди:

Тарафдор _____ Қарши _____ Бетараф _____

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, берилган овоз натижаларидан сўнг,

Кузатув кенгаши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги Фармойиши ҳамда Ипотека-банкнинг 2018 йил 4 июлдаги 66 - шт - сонли буйруғига мувофиқ Бошқарув Раисининг биринчи ўринбосари С.У.Закиров билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги муносабати билан у банк Бошқаруви таркибидан чиқарилсин.

2. Ушбу қарорнинг ижроси бўйича ҳужжатларни қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштириш вазифаси "Ипотека-банк" АТИБ Бошқаруви зиммасига юклатилсин.


Кузатув кенгаши Раиси




Б.А. Хўжаев

Кузатув кенгаши аъзолари:

Д.Н. Саттаров




Ў.Д. Каримов




М. Ишмухамедов




И.А. Обидов




Ж.К. Рахимов



З.А. Ибрахимжанова



И.М. Абдуллаева



Дж.К. Ибрагимов



Мажлис котиби

Б.И. Ушбаев



"Ипотека-банк" АТИБ
Кузатув кенгаши мажлисининг
51 – сонли баёни

2018 йил 24 август

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Б.А.Хўжаев – "Ипотека-банк" АТИБ Кузатув кенгаши
Раиси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазири

Қатнашдилар:

Кузатув кенгаши Д.Н. Саттаров, Ў.Д. Каримов, М. Ишмухамедов,
аъзолари: И.А. Обидов, Ж.К. Раҳимов, З.А. Ибраҳимжанова,
И.М. Абдуллаева, Дж.К. Ибрагимов
О. Мусаев – "Ипотека-банк" АТИБ Бошқаруви Раиси
Мажлис котиби: Б.И. Ушбаев
Мажлис қворуми - 100 %.

Кун тартиби:

**"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банкида янги жорий этилган
Бошқарув Раисининг ўринбосари лавозимини ва Бошқарув аъзолари таркибини
бутлаш тўғрисида**

"Ипотека-банк" акциядорлик тижорат ипотека банки иқтисодиётимиз ривожига хисса қўшиб келаётган мамлакатимизнинг етакчи банклари қаторида соҳада олиб борилаётган ислохотларда яқиндан иштирок этиб келмоқда.

Банкда корпоратив бошқарув тамойилларининг изчил татбиқ этилиши банкда барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда муҳим омил бўлиши билан бир қаторда, банкни бошқариш тизими самарадорлиги янада ошишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи давомида берилаётган топшириқлар ижросини ҳамда ҳудудларни комплекс ривожлантириш ижтимоий иқтисодий дастурлари ижросини ўз вақтида таъминлаш, Давлат дастурига кўра, мамлакатимиз вилоятлари марказларида ва Тошкент шаҳрида кўп қаватли арзон уй-жойлар қурилишини молиялаштириш билан боғлиқ вазифаларни ижро қилиш, Ипотека-банкка бириктирилган балиқчилик соҳасини ривожлантиришга кўмаклашиш, мамлакатда кичик бизнес ривожига муносиб хисса қўшиш бугунги кундаги фаолиятимизнинг муҳим устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

Қайд этилган вазифа ва топшириқлар ижросини назорат қилиш, бу борада амалга оширилаётган ишларни Вазирлар Маҳкамаси, Марказий банк, тегишли вазирлик, идора ва ташкилотлар микёсида ҳамда вилоятларга чиққан ҳолда вилоят ҳокимликлари, жойлардаги банк филиаллари билан биргаликда ишларни ташкиллаштириш заруратини туғдиради.

Шундан келиб чиқиб, 2018 йилнинг 22 июнида ўтказилган Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишида тасдиқланган Ипотека-банк таркибий тузилмасида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда ҳукумат топшириқларини "Ипотека-банк" АТИБда изчил таъминлаш, банк бошқарув тизимини янада самарали ташкил қилиш мақсадида, Ипотека-банкда қўшимча **Бошқарув Раисининг ўринбосари** лавозими жорий этилди.

Ушбу лавозимга муносиб номзод сифатида банкнинг Кредитлаш департаменти директори Ж.Зулфуқаров номзоди кўриб чиқилди.

Юқорида баён этилганларни инобатга олиб, ушбу масала бўйича Кузатув кенгаши аъзолари қуйидагича қарор қабул қилишни таклиф қилдилар:

- Кредитлаш департаменти директори Зулфуқаров Джура Исмоиловични янги жорий этилган "Ипотека-банк" АТИБ Бошқарув Раисининг ўринбосари лавозимига тасдиқлаш ҳамда Бошқарув аъзоси этиб тайинлаш.

Тарафдор - ____; Қарши - ____; Бетараф – ____.

Кун тартибидаги масалани муҳокама қилиб, берилган овоз натижаларидан сўнг,


Кузатув кенгаши қарор қилади:

1. Кредитлаш департаменти директори Зулфуқаров Джура Исмоилович янги жорий этилган "Ипотека-банк" АТИБ Бошқарув Раисининг ўринбосари лавозимига тасдиқлансин ҳамда Бошқарув аъзоси этиб тайинлансин.

2. Бир ой муддатда янги жорий этилган Бошқарув Раисининг уринбосари лавозим йуриқномаси урнатилган тартибда ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши таъминлансин.

3. Ушбу қарорнинг ижроси бўйича ҳужжатларни қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштириш вазифаси "Ипотека-банк" АТИБ Бошқаруви зиммасига юклатилсин.

Кузатув кенгаши Раиси



Б.А. Хўжаев

Кузатув кенгаши аъзолари:

Д.Н. Саттаров

Ў.Д. Каримов

М. Ишмухамедов

И.А. Обидов

Ж.К. Рахимов

З.А. Ибрахимжанова

И.М. Абдуллаева

Дж.К. Ибрагимов

Мажлис котиби

Б.И. Ушбаев

